

**ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИ  
ТАҲЛИЛИ**

**UZBEKISTAN LAW REVIEW**

**ОБЗОР ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА  
УЗБЕКИСТАНА**

|                                      |                                              |                                            |
|--------------------------------------|----------------------------------------------|--------------------------------------------|
| <b>ИЛМИЙ<br/>ТАҲЛИЛИЙ<br/>ЖУРНАЛ</b> | <b>SCIENTIFIC<br/>ANALYTICAL<br/>JOURNAL</b> | <b>НАУЧНО<br/>АНАЛИТИЧЕСКИЙ<br/>ЖУРНАЛ</b> |
|--------------------------------------|----------------------------------------------|--------------------------------------------|

---

---

**2024  
№3**

## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

### БОШ МУҲАРРИР:

Гулямов Саид Саидахарович — юридик  
фанлари доктори, профессор.

### ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ:

Рустамбеков Исламбек Рустамбекович — ю.ф.д.,  
профессор.

Хужаев Шохжаҳон Акмалжон ўғли — юридик  
фанлар бўйича фалсафа доктори.

Оқюлов Омонбой — ю.ф.д., профессор.

Эргашев Восит Ёқубович — ю.ф.н., профессор.

Махкамов Отабек Мухтарович — ю.ф.д.

Суюнова Дилбар Жолдасбаевна — ю.ф.д., доц.

Мусаев Бекзод Турсунбоевич — ю.ф.д., доц.

Беков Ихтиёр — ю.ф.д., проф.

Бозоров Сардор Сохибжонович — ю.ф.д., проф.  
в.б.

Хазратқулов Одилбек Турсунович — юридик  
фанлари номзоди, доцент.

Самарходжаев Ботир Билялович — ю.ф.д.,  
профессор.

Ходжаев Бахшилло Камалович — ю.ф.д.,  
профессор.

Нарзиёв Отабек Саъдиевич — ю.ф.д., проф. в.б.

Жолдасова Шахноза Батировна — юридик  
фанлар бўйича фалсафа доктори.

Маълумот олиш учун қуйидагиларга мурожаат этиш  
сўралади:

Гулямов Саид Саидахарович,  
Рустамбеков Исламбек Рустамбекович  
ТДЮУ, Халқаро хусусий ҳуқуқ кафедраси,  
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100047,  
Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел: 233-66-36

"Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили"нинг электрон  
нусхаси Интернетдаги [www.library-tsul.uz](http://www.library-tsul.uz) ёки  
[www.lawreview.uz](http://www.lawreview.uz) сайтида жойлаштирилган.

Журнал 2013 йилдан Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамасининг Олий Аттестация  
комиссияси журналлари рўйхатида киритилган.

Ушбу журналда баён этилган натижалар, хулосалар,  
талқинлар уларнинг муаллифларига тегишли бўлиб,  
Ўзбекистон Республикаси ёки Тошкент давлат юридик  
университети сиёсати ёки фикрини акс эттирмайди.  
2023 йилда нашр этилди.

Муаллифлик ҳуқуқлари Тошкент давлат юридик  
университетига тегишли. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган.  
Журнал материалларидан фойдаланиш, тарқатиш ва  
қўлайтириш Тошкент давлат юридик университети рухсати  
билан амалга оширилади. Ушбу масалалар бўйича Тошкент  
давлат юридик университетига мурожаат этилади.  
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100047, Сайилгоҳ  
кўчаси, 35.

ISSN 2181-8118

Масъул котиб: **И. Рустамбеков**

Наشريёт муҳаррири: **Н. Ниязова**

Техник муҳаррир: **Д. Қозимов**

Лицензия № 02-0074

Босишга рухсат этилди — 25.09.2024

Наشريёт ҳисоб табағи — 5

«IMPRESS MEDIA» босмахонасида босилди

Адади — 100 нусха.

## ИЛМИЙ-ТАҲЛИЛИЙ ЖУРНАЛ

3/2024

## МУНДАРИЖА

|                                                                                      |    |
|--------------------------------------------------------------------------------------|----|
| <b>I.Rahmatulloyev</b>                                                               |    |
| O'zbekiston qonunchiligida mediatsiya kelishuvini amalga oshirish masalalari.....    | 3  |
| <b>Sh.X.Mamataliyeva</b>                                                             |    |
| Jinoyat ishlarini yuritishning sud bosqichida xavfsizlik choralari qo'llanilishining |    |
| umumiy tavsifi.....                                                                  | 5  |
| <b>Б.Акмалхонов</b>                                                                  |    |
| Защита прав собственности в контексте международных санкций .....                    | 9  |
| <b>Ж.Тўраев</b>                                                                      |    |
| Ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларига риоя қилиниши бўйича давлат назорати                 |    |
| ва текшируви умумий назарий жиҳатлари таҳлили.....                                   | 15 |

**Тўраев Жавоҳир Усмон ўғли**  
Тошкент давлат юридик университети  
мустақил изланувчиси

## **ХОДИМЛАРНИНГ МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИНИШИ БЎЙИЧА ДАВЛАТ НАЗОРАТИ ВА ТЕКШИРУВИ УМУМИЙ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ**

**Аннотация:** мақолада ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларига риоя қилиниши бўйича давлат назорати ва текширувига хос бўлган бир қатор умумий назарий жиҳатлар таҳлил қилинган. Бунда ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларига риоя қилиниши бўйича давлат назорати ва текширувининг мақсади, амалга оширувчи субъектлари, тартиб-таомиллар ва мансабдор шахслар ваколатларининг қонунчилик ҳужжатларида белгиланганлиги, яқуни бўйича жавобгарлик чораларининг қўрилишида, шикоят қилиш имкониятининг мавжудлиги кабилар давлат назорати ва текширувининг ўхшаш жиҳатлари сифатида кўрсатиб ўтилган.

**Ключевые слова:** ходим, меҳнат ҳуқуқлари, давлат назорати ва текшируви, меҳнат қонунчилиги, меҳнатни муҳофаза қилиш, прокуратура органлари, прокурор назорати, ваколатли орган, шикоят қилиш ҳуқуқи.

**Abstract:** The article analyzes a number of general theoretical aspects related to state control and supervision over the observance of workers' labor rights. At the same time, such similar aspects of state supervision and control over the observance of labor rights of employees are given, such as the purpose of state supervision and control, the entities that carry them out, the consolidation of procedures and powers of officials in legislative acts, the adoption of measures of responsibility based on their results, the availability of the possibility of appeal, etc.

**Keywords:** worker, labor rights, state control and inspection, labor legislation, occupational safety, prosecution authorities, prosecutor's supervision, authorized body, right to file a complaint.

**Аннотация:** В статье анализируется ряд общих теоретических аспектов, касающихся государственного контроля и надзора за соблюдением трудовых прав работников. При этом, приведены такие схожие аспекты государственного надзора и контроля по соблюдению трудовых прав сотрудников как, цель государственного надзора и контроля, субъекты, их осуществляющие, закрепление в законодательных актах процедур и полномочия должностных лиц, принятие меры ответственности по их итогам, наличие возможности по обжалованию и др.

**Калит сўзлар:** работник, трудовые права, государственный контроль и инспекция, трудовое законодательство, охрана труда, органы прокуратуры, прокурорский надзор, уполномоченный орган, право на жалобу.

### **I. Кириш**

Ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларига риоя қилиниши бўйича давлат назорати ва текширувининг мазмун-моҳиятини тўғри ва тўлиқ англаш учун уларни ўзаро ўхшаш ва бир-бирдан ажратиб турувчи жиҳатларини комплекс таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларига риоя қилиниши бўйича миллий қонунчилигимиз ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида давлат назорати ва текширувининг ўзаро ўхшаш жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

а) асосий мақсад ходимлар меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилганлигида.

Қайд этиш жоизки, Меҳнат кодексининг 529-моддасида меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асосий усулларида бири сифатида меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка, меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилиши устидан давлат назорати ҳамда текшируви усули мустаҳкамланган.

Бу ўз навбатида давлат назорати ва текшируви ҳам энг аввало, меҳнат ҳуқуқлари ҳимоясига қаратилганлигини англатади.

б) давлат назорати ва текширувининг фақатгина давлат органлари томонидан амалга оширилишида.

Қайд этиш жоизки, давлат назорати ва текшируви билан боғлиқ вазифаларни амалга ошириш ваколати фақатгина давлат органларига тегишли бўлиб, бундай вазифаларни бошқа ҳар қандай нодавлат тузилма томонидан амалга оширилишига йўл қўйилмайди.

Зеро, янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 146-моддасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноятчиликка қарши кураш бўйича тезкор-қидирув, тергов ва бошқа махсус вазифаларни мустақил равишда бажарувчи хусусий ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва уларнинг бўлинмаларини тузиш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиши тақиқланади.

Бунда давлат назорати ва текшируви ҳам давлатнинг махсус вазифалари ҳисобланиб, улар фақат ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади.

в) давлат назорати ва текширувини амалга ошириш тартибининг қатъийлиги ҳамда тегишли қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланганлигида.

Ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларига риоя қилиниши бўйича давлат назорати ва текширувини амалга ошириш тартиби билан боғлиқ барча муносабатлар амалдаги қонунчилик ҳужжатларида батафсил мустаҳкамланган.

Бу ўз навбатида давлат назорати ва текширувини амалга оширишда қонунийлик принципининг рўйбга чиқарилишини таъминлашга хизмат қилади.

Меҳнат Кодексининг 534-моддасига мувофиқ меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка, меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилиши устидан давлат назорати ва текшируви Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, шунингдек бошқа давлат органлари томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Шу ўринда маълумот сифатида таъкидлаш жоизки, 21.12.2022 йилдаги “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–269-сонли Президент Фармонида асосан 2023 йил 1 январдан эътиборан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги – негизда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ташкил этилган.

Гарчи, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг номи 2022 йил 21 декабрдаги Фармон билан ўзгартирилган бўлсада, ҳалигача Меҳнат Кодексида бундай ўзгариш ўз ифодасини топмаган.

Юқоридаги нормадан кўриниб турганидек, меҳнат қонунчилиги, шу жумладан ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларига риоя этилиши устидан давлат назорати ва текширувини Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда бошқа давлат органлари амалга оширадилар.

Шу ўринда бир масалага эътибор қаратсак. Янги таҳрирдаги Конституциянинг 143-моддасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширишлари қатъий мустаҳкамланган.

Эътибор қаратадиган бўлсак, Асосий Қомусимизнинг юқоридаги нормасида сўз нафақат нафақат ходимлар ҳуқуқлари ёки меҳнат муносабатлари акс этган қонун ҳужжатлари балки, ҳар қандай қонун ҳужжатларининг бажарилиши устидан назорат фақат прокуратура органлари томонидан амалга оширилиши ҳақида бормоқда.

Шу нуқтаи-назардан қараганда, мамлакатимизда ҳар қандай қонуннинг бажарилиши устидан назорат хусусан, давлат назорати фақат прокуратура органлари томонидан амалга оширилади деган қатъий ҳулосага келиш мумкин.

Мазкур ҳолатда бир қарашда Конституциянинг 143-моддаси билан Меҳнат Кодексининг 534-моддаси ўртасида ўзаро коллизия келиб чиқаётгандай туюлади. Бизнингча эса, Конституция ва Меҳнат Кодексининг юқоридаги нормалари ўртасида ҳеч қандай зиддият мавжуд эмас. Бу қуйидагилар билан асосланади:

1) назорат объектларининг хилма-хиллигида.

Конституциянинг 143-моддасида қонунчилик ҳужжатларининг эмас, балки қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни прокуратура органларига юкланиши назарда тутилмоқда.

Меҳнат Кодексининг қайд этилган моддасида қонун билан чекланмасдан меҳнат тўғрисидаги ҳар қандай ҳуқуқий ҳужжатлар назорати ҳақида сўз бормоқда.

Шу нуқтаи-назардан соф юридик жиҳатдан қараганда прокуратура органлари амалга оширадиган назорат объекти билан Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг назорат объекти бир-биридан фарқ қилмоқда.

2) давлат назоратини амалга ошириш ваколатига эгалигида.

Қайд этиш жоизки, Конституция прокуратура органларига қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш ваколатини назарда тутди.

Шу билан бирга, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ва бошқа давлат органлари фаолиятини тартибга солишчи қонун ҳужжатларида ҳам меҳнат муносабатлари соҳасига оид қонунчилик ҳужжатлари устидан назоратни амалга ошириш ваколатлари мустаҳкамланган.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 декабрдаги 1066-сон қарори билан тасдиқланган қайд этилган вазирлиқнинг низомида унинг функцияларидан бири сифатида ходимларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш, бирор-бир шаклда мажбурий меҳнатдан фойдаланиш эҳтимолларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари нормалари амалга оширилишини назорат қилиш ваколати белгиланган.

Юқоридагилардан ташқари, давлат органлари томонидан амалга ошириладиган давлат назорати ва

текширувини амалга ошириш тартиби ҳам қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган.

Жумладан, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда прокурор назоратини амалга ошириш тартиби, хусусан унинг предмети, қўлланиладиган прокурор назорати ҳужжатлари, прокурорнинг ваколатлари доираси аниқ белгиланган.

Қолаверса, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларига риоя этилиши бўйича текширувни амалга ошириш тартиби ҳам қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган. Хусусан, Меҳнат Кодексининг 33-бобида текширувни амалга оширувчи давлат органлари, уларнинг ваколатлари, текширувни амалга ошириш тартибига оид нормалар назарда тутилган.

Гувоҳ бўлганимиздек, давлат назорати ва текширувини амалга оширувчи барча давлат органларининг ваколатлари доираси амалдаги қонунчилик ҳужжатларида мустаҳкамланган.

г) давлат назорати ва текширувини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг ваколатлари доираси қонунчилик ҳужжатлари билан қатъий белгиланганлигида.

Қайд этиш жоизки, амалдаги қонунчилик ҳужжатларида давлат назорати ва текшируви тартиби билан бирга бундай ҳаракатларни амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг ваколатлари доираси ҳам қатъий белгиланган.

Бу бир тарафдан давлат назорати ва текширувини амалга оширувчи органлар мансабдор шахслар фаолиятида ошкораликни таъминласа, иккинчи тарафдан уларнинг ўз мансабларини суистеъмол қилмасликларини таъминлашга, ваколат доирасидан четга чиқмасликларига, тийиб туриш механизмнинг амал қилишига хизмат қилади.

Мансабдор шахсларнинг ваколатлари қонунчилик ҳужжатларида қатъий белгиланганлигига яққол мисол сифатида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс нормаларини келтириш мумкин. Ушбу кодекснинг Давлат меҳнат инспекцияси мансабдор шахсларига бағишланган 255-моддасида маъмурий жазо чораларини қўллашга ҳақли бўлган Инспекциянинг қуйидаги мансабдор шахслари рўйхати назарда тутилган.

меҳнат тўғрисидаги қонунчиликни ва аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун – меҳнат бўйича давлат инспекторлари, меҳнат бўйича давлат ҳуқуқий инспекторлари;

меҳнатни муҳофаза қилиш, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун – меҳнат бўйича давлат инспекторлари, меҳнат бўйича давлат техник инспекторлари, меҳнат шароитлари бўйича давлат экспертлари.

Ўз навбатида юқорида қонун даражасида мустаҳкамланган рўйхатнинг аҳамияти шундаки, унда кўрсатилмаган Давлат меҳнат инспекциясининг бирорта мансабдор шахси Инспекциянинг ваколатига кирадиган маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича жазо чораси қўллай олмайди.

Ундан ташқари, тегишли давлат органлари фаолиятини тартибга солишчи қонунчилик ҳужжатларида ҳам уларнинг ваколатлари доираси қатъий белгилаб берилган.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 декабрдаги 1066-сон қарори билан тасдиқланган Давлат меҳнат инспекцияси тўғрисидаги низомнинг 3-бобида Инспекциянинг мансабдор шахсларининг

ҳуқуқлари ва мажбуриятлари доираси мустаҳкамланган.

д) давлат назорати ва текшируви якунлари бўйича тегишли жавобгарлик чораларининг кўрилишида.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ махсус ваколатли давлат органлари томонидан ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларига риоя этилиши бўйича ўтказилган давлат назорати ва текширувида аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан тегишли жавобгарлик чоралари қўлланилиши мумкин.

Бунинг учун давлат назорати ва текширувини амалга оширувчи органларга қонунчилик ҳужжатлари билан тегишли ваколатлар берилган. Масалан, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун 25-моддасига мувофиқ прокурор фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш чоғида фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишининг олдини олиш ва бартараф этиш, қонунни бузган шахсларни жавобгарликка тортиш ҳамда етказилган зарарни қоплаш чора-тадбирларини кўриш ваколати назарда тутилган.

Қолаверса, қайд этилган Қонунда прокурорга фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилишини жиноий хусусиятга эга деб билиш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда жиноят иши қўзғатиш, уни содир этган шахслар қонунга биноан жиноий жавобгарликка тортилишига доир чораларни кўриш, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатиш ёки ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги маълумотни ва текширув материалларини маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган органга ёки мансабдор шахсга бериш билан боғлиқ ваколатлар берилган.

Шу билан бирга, қонунчилик бузилиши билан боғлиқ ҳолатлар аниқланганда жавобгарлик чораларини кўриш ваколати текширув ўтказиш ваколатига эга бўлган органлар учун ҳам қонунчиликда белгиланганлигига ғувоҳ бўламиз.

Жумладан, Меҳнат Кодексининг 535-моддасида Давлат меҳнат инспекцияси иш берувчилар томонидан меҳнат тўғрисидаги қонунчилик, аҳолининг бандлиги, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик, меҳнат тўғрисидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ҳамда меҳнат стандартлари талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини ва текширувини амалга ошириши белгиланган.

Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 декабрдаги 1066-сон қарори билан тасдиқланган Давлат меҳнат инспекцияси тўғрисидаги низомнинг 10-бандида Инспекциянинг ваколатларидан бири сифатида айбдорларни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка, шу жумладан жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги ҳужжатларни тайёрлаш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва судга юбориш билан боғлиқ ваколати белгиланган.

Қолаверса, амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 255-моддасида ҳам Давлат меҳнат инспекциясининг мансабдор шахслари МЖТҚдаги меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузиш (49-модда), иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонунчилик талабларини бажармаслик (492-модда), вақтинча меҳнатга

қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини тўлаш бўйича мажбуриятдан бўйин товлаш (493-модда), аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонунчиликни бузиш (50-модда), хусусий бандлик агентликлари тўғрисидаги қонунчиликни бузиш (501-модда), меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаш (51-модда) ва бўш иш ўринларини яшириш (229-модда) маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати мустаҳкамланган.

Бунда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш деганда Давлат меҳнат инспекциясининг мансабдор шахслари тегишли маъмурий ҳуқуқбузарликка оид материалларни мазмунан кўриб чиқиш ҳамда натижаси бўйича жазо тайинлаш ваколати назарда тутилади.

е) давлат назорати ва текшируви натижалари юзасидан тегишли давлат органига ёки судга шикоят қилиш имкониятининг мавжудлигида.

Қайд этиш жоизки, янги таҳрирдаги Конституциянинг 40-моддаси ҳар ким бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда давлат органларига ҳамда ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, мансабдор шахсларга ёки халқ вакилларига шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқини кафолатлайди.

Шу билан бирга, Асосий Қомусимизнинг 55-моддаси ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқини кафолатлайди.

Шундай экан, Конституциямиз давлат назорати ёки текшируви органлари томонидан тегишли тадбирларни амалга ошириш натижасида қабул қилинган қарорлар устидан шикоят қилишнинг икки хил шаклини назарда тутди.

Бунда биринчи шаклда бевосита қарор қабул қилган органнинг ўзига ёки юқори турувчи органга давлат назорати ёки текшируви якуни юзасидан қабул қилинган қарор устидан шикоят қилинса, иккинчи шаклда тўғридан-тўғри судга шикоят қилинади.

Ўз навбатида давлат назорати ёки текшируви якуни бўйича қабул қилинган қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқи амалдаги бошқа қонунларда ҳам мустаҳкамланганлигини қайд этиш жоиз.

Жумладан, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасида фуқароларнинг ариза ва шикоятлари ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш натижалари бўйича прокурор қарор қабул қилиши, бу қарор устидан юқори турувчи прокурорга шикоят қилиниши мумкинлиги мустаҳкамланган.

Қолаверса, “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонун 63-моддасида манфаатдор шахсга маъмурий шикоятни маъмурий шикоятларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган юқори турувчи маъмурий органга ёки бошқа ваколатли маъмурий органга устидан шикоят қилинаётган маъмурий ҳужжатни, процессуал ҳужжатни қабул қилган ёхуд маъмурий ҳаракатни амалга оширган маъмурий орган орқали бериш ҳуқуқи белгиланган.

Ғувоҳ бўлганимиздек, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларига риоя этилиши бўйича давлат назорати ва текшируви бир қатор умумий жиҳатларга эга бўлиб, уларни тўғри англаш давлат назорати ва текширувининг моҳиятини тушунишга хизмат қилади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.  
<https://lex.uz/docs/6445145>
2. “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–269-сонли Президент Фармони.  
<https://lex.uz/docs/6324756>
3. <https://lex.uz/uz/docs/4143044>
4. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 декабрдаги 1066-сон қарори билан тасдиқланган Давлат меҳнат инспекцияси тўғрисидаги низом.  
<https://lex.uz/docs/4143044#4144766>
5. Ўзбекистон Республикасининг 29.08.2001 йилдаги «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 257-II-сон Қонуни.  
<https://lex.uz/uz/docs/106197>
6. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси.  
<https://lex.uz/uz/docs/6257288>
7. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.  
<https://lex.uz/docs/97664>
8. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.  
<https://lex.uz/docs/6445145>
9. Ўзбекистон Республикасининг 08.01.2018 йилдаги “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги ЎРҚ-457-сон Қонуни. <https://lex.uz/docs/3492199>